



Адабиёт севгиси юрагимга сут билан сингган бўлса керак, шу туйгу бир пайтлар адашиб кириб колганим ва бир йил ўқиганим Политехника институтидан хужжатларимни олдириб, ТошДУнинг филология бўлимига топширтирган. Ха, техникадан кўра адабиётни яхши кўрардим, лекин шу адабиётнинг бир каноти бўлган шеърни (ўкирдим-у) ёдлашга келганда хафсаласизлик килардим. Биринчи боскичда дарсларни бошлаганимизданок устоз Умарали Норматов ўзининг такорори йўқ завклари ва шавклари билан биз талабалар ўзимизча адабиётга севги деб юрган ялков туйгуларимизни, ёнолмай туункираган хисларимизни кўзгаб, алангалатиб юборди. Лекин шунда хам, тан олишим керак, шеърни севиша ва севиб шеър ўкишларда мен бошкалардан анча оркада эдим. Талаба курсдошларим ўтиришларда, пахта далаларида мушоиралар, баҳри байтлар килишса, мен мактаб дарсликлиридан ёдлаб олганим айрим мисраларни такорорлаб зўрга кутулиб кетардим. Уларга караб хам хавас килардим, хам ичимдан ўксинардим – адабиётни шуларчалик яхши кўрмайманми, деб ўзимдан хавотирланардим.

Бахтимга бу холат узокка чўзилмади. Иккинчи боскичдами ўкиб юрганимизда бир гурух ёш шоирларнинг илк китоблари чоп этилди. Кечагача адабиётчи талабаларнинг баҳслари, талашиб-тортишишлари боиси бўлган Эркин Вохидов, Рауф Парфи, Абдулла Орипов номлари каторига энди бу жажжи китобчаларнинг муаллифлари Шавкат Рахмон, Усмон Азим ва яна бир неча шоир акаларимизнинг исмлари хам кўшила бошлади.

Булардан кўлимга биринчи бўлиб Шавкат Рахмоннинг “Рангин лахзалар” китоби тушди ва... шу кадар шўнгибман, битта шеъринимас, иккита шеъринимас, тўласича бутун китобни ёдлаб чиқдим! Кейин яна бир шоир акамизнинг, ундан кейин Усмон Азимнинг китобларини хам битта шеърини кўймай ёдлаб олдим. Шундай килиб, юрагимнинг кат-катида бекиниб ётган шеърни севиш ва англаш сандикчаси очилиб кетди гўё . Шавкат Рахмоннинг истарали у илк китоби “Ватан” тўртлиги билан бошланарди: Жойлашгансан шунчалар чукур...

Ўз тубига яширган юрак.

Сенга етиб бормаклик учун

Узун умрим етмаса керак.

Бир ўкишимдаёк эсимда колди. Нимаси мени ўзига тортди, нимаси юрагимга тегиб кетди – у пайтлар тузукли тушунтириб беролмасидим хам. Содда сўзлар, туркона оханг. Хозирги ёшлар мендаги бу хиссий кабул сабабларини унча англаб етмаслиги мумкин. Чунки у пайтлар ватан хакида канака шеърлар ёзилгани ва ўкилгани кўпларига коронги. Ватан кўпинча юзаларда бўларди, ватанни севиш хам юкорилардан талаб этилгани учун ўша юкориларга ёқадиган тарзда севилар ва баён килинар эди. Шавкат Рахмоннинг Ватани эса жуда чукурларда (бунинг устига, одамни ўйлантирадиган уч... нуктаси билан) жойлашган. Ернинг эмас, денгизларнинг эмас, юракнинг чукурларида. У кўз-кўз килинмайди, уни “юрак ўз тубига яширган”. Ёмон кўзлардан, ёмон ниятлардан ва... сохта мухаббатлару сохта сифатлардан асраган. Ахир, сохта мухаббат изхорлари уни хўрлаши мумкин, у бундай юзакиликлардан баланд туради. Чукурликларда юксаклик хос унга! Унга хатто севги изхор килинмайди. Минбарларни эгаллаб, кўкракларга муштлаб у хақда жар солинмайди. У юракларда бўлади, унга boglik туйгулар томирларда окади. У согиниб изланади, ахтарилади. Айникса, мустамлака шароитида. Айникса, халкнинг эрки ўз кўлида бўлмаганида... Уни чинакам севган киши уни топиш ва англаб етиш учун кийин сафарга (“Ох, вой, мунча йўл оғир...”) отланади. У шунчалар чукурларда жойлашгани, юрак уни шунчалар тубига яширганидан “унга етиб бормаклик учун узун умр етмас”лиги хам мумкин...

Бугун Шавкат ака орамизда йўк. Яратганнинг хикмати билан у кирк олти ёшида, умрининг айни куч-гайратга тўлик палласида илохий раҳматга ковушди. Бугун энди биз оркада колганлар бу инсоннинг тугал умрига ва тугал ижодига ялпи кўз ташласак, яхлит хulosалар чикарсак бўлади. Шу нуктадан бокилса, менинг назаримда, Шавкат Рахмон бутун ижоди билан, бутун ўй-хаёлию кайгулари, дардлари билан шу Ватан сари – муштдеккина юраги туб-тубига яширган, ўзигина танийдиган, суйган ва согинган ана шу сирли макон сари юрди, талпинди. Бир пайтлар ширин орзулар оғушида “Сенга етиб бормаклик учун Узун умрим етмаса керак”, деб чамалаган йигирма беш яшарлик ёш шоир тақдирнинг буюк ёзуги ила, кирк олти ёшида, оғир касалга чалиниб, ўлим билан олишиб ётган паллаларида битилган (балки) охирги шеърида ортида колаётган оламга “Абадият оралаб Ўшга (“Ватанга” деб ўкинг. – Н.М.Р.) качон етамиз?” деб савол кўйди!

Айт, эй хаста булбулим,

Ўшга качон етамиз?

Яшил боглар саргарди,

Магиз бўлди гужумлар.

Ох, вой, мунча йўл оғир,

Булбулим...

Улкан соат ўртасида

Мадорим йўк юрмокка,

Кашкирлар даврасида

Судраламан турмокка.

Шунда колиб кетсам гар

нетамиз?

Абадият оралаб

Ўшга качон етамиз?

Корли тоглар багрида

Бегим – Ўшим кўринди,

Султон – Ўшим кўринди...

“Эй хаста булбулим...” деркан, Шавкат Рахмон юракни – ўзи ардоклаб, умр бўйи суйиб-согиниб яшаган Ватанни “ўз тубига яширган юрак”ни назарда тутади. Ба: “Эй юрагим – эй хаста булбулим, бу ахволда Ватанга качон етамиз?!” дейди. Ватанни ахтариб йўлга чикаётганида шоир “Сенга етиб бормаклик учун Узун умрим етмаса керак” деб тусмоллаган эди, аммо бу тусмоли тагида качондир бир кун Ватанга етишиш илинжи хам бор эди, умидворлик бор эди, лекин шоирнинг юрагига яширган Ватан чинданам жуда-жуда чукурликларда экан, афсус, унга етиб боришга Шавкат Рахмоннинг тақдирда белгиланган умри етмади. Ва хаста шоир касалхона тўшагида, ўзидан тобора устун келаётган ўлим билан олишиб ётаркан (“Менинг хар кадамим мукаддас, менинг хар кадамим ўлимга карши”), киска умри ичида у сирли, у маҳрам Ватан сари килган бу оғир йўлчилигининг сўнгини энди армон ила “абадият оралари”га хавола килди. “Шунда колиб кетсан гар нетамиз? Абадият оралаб Ўшга качон етамиз?” дея... сўнник нигохини сўнг бор (хаёлан) узокдаги “корли тоглар багри”га йўллади...

Шоир бир умр талпинган у Ватан кандай ватан эди? Унинг ўхشاши, чеки-чегараси борми ўзи? Каерда бошланиб каерда тугарди у Ватан? Тугармиди? Излаган топадиган нарсами У? Ватанни топдим деган борми бу дунёда? Канча йил яшаш керак Уни топиш учун? Ватаннинг нималигини билган борми?

Шавкат Рахмон йўлчи шоир эди. Отамиз Одам (алайхиссалом) бошлаб берган ва хар бир Одам боласи тугилганида кесиладиган киндигидан узаниб то абадиятлар каърига улашиб кетадиган у олис йўлга – Ватанга элтадиган йўлга тушган шоир эди. Илк (“Рангин лахзалар”) китобининг биринчи шеърини охирги (“Сайланма”) китобининг охирги шеърига boglab турган нарса мана шу йўлчиликдир. Колган барча шеърлари хам, айримлари тўғридан-тўғри, айримлари айланма сўқмоклар билан мана шу йўлчиликка кандайдир микдорда ва шаклда боялангандир. Уларни Ватан сари чикилган йўлда шоирнинг кўрган-кечирганлари, кузатувлари, такрорланмас манзаралар, йўлдош туйгулари, кутилмаган кечинмалари... деса бўлади.

Масалан, мундай караганда оддий бир манзара чизгиси бўлиб туюладиган мана бу шеърини ўкиб кўринг. Шунчаки эмас, тингислаб, манзаранинг пайтига ва холатига диккат килиб, шоирнинг йўлчилиги киррасидан бокиб ўкинг-а:

Кимдир от етаклаб ўтар азонда,
узилар кўчанинг сахарги туши.

Тўсатдан от кишнаб юборган онда
шошилиб эшикни очди бир киши.

Тонгда от етаклаб ўтиб борар ким,
коп-кора оловдай ловиллар ёллар.

Кампирлар аланглаб кулок солди жим,
бир сесканиб кетди нуроний чоллар.

Бомдодга аzon айтилар махали (“азонда”!), яъни, тонг коронгулигига (“коп-кора оловдай ловиллар ёллар”!)... хали кўплар сахарги тушини кўриб ётган палла... кимдир от етаклаб ўтиб колади... Албатта, ким от етаклаб ўтаётгани маълум эмас, кимлигининг ахамияти хам йўқ, муҳими етаклаб ўтилган ва жасорат тимсоли бўлмиш отнинг ўзи ва от туёкларининг хайбатли дупури... Кўчанинг сахарги туши узилишига хам жасоратли отнинг хайбатли шу дупур-дупури сабаб...

Аммо чиндан хам шу дупур-дупурми сабаб? Дупур-дупур нима ўзи? Оддий бир шовкин, холос. Шовкиндан кўчанинг уйгониб кетиши жуда жўн бир вокелик, хатто шеърга кўчиришга арзимайдиган вокеликдир. Демак, бу ерда бошка нарса бор. От туёкларининг

дупур-дупури бир пайтлар йўқотилган (шоир ич-ичидан кўмсайдиган, жуда кўп шеърларида кўнгли тусаган) жасоратдан дарак берувчи сирли товушлар ўларок, сахарги тушини кўриб ётган кўчанинг ўзинигина эмас, бу кўча ахли юракларида качонлардан бери ухлаб ётган эски хотираларни хам кўшиб уйготиб юборди! Худди шунинг учун хам, айникса “тўсатдан от кишнаб юборган онда” бир киши шошилиб эшикни очди...

Бу киши ким ва у нега эшикни шошилиб (!) очди? От дупури ва кишноги унга нималарни эслатди? Нималар уйгонди унинг юрагида? Ўтган аср етмишинчи йилларининг (шеър ўша пайтлари ёзилган. – Н.М.Р.) кампирларини бу манзарага “аланглатиб жим кулок солдирган” нарса нима? Ўтган аср етмишинчи йилларининг чолларини “бир сескантириб юборган” нарса нима? Бу чол-кампирлар хар бири етмишлардан ошган, балки саксонларга етгандир, улар кайси замоннинг одамлари эди ва от дупури билан кишноги уларга нималарни эслатди?! Айтганча, шеърнинг ilk сарлавхаси “Олис хотира” бўлганини хисобга олсак, масала ойдинлашади...

Албатта, кичкинагина юракка сиккан улкандан-улкан Ватаннинг замонлар ичидаги бир парча кора тарихидан хабари бор кишилар мундай карашда оддий ва жўн бир манзара чизгиси бўлган бу холатни юрак-юракдан бошкacha ва теран хис этишади. Балки “коп-кора деворга суюниб, ёп-ёруг хаёллар суриб” юрган айрим орзуманд кишилар, ёруг кунлар келиб колдимиликан, деган ўйда шоша-пиша эшикларини очиб кўчага карагандир .

Ёки, масалан:

“Кўзингизни очинг, кўркманг,
зиёдан камашсин, огрисин, майли,
майлига яшамак бўлсин кийинрок,
очиклиги туфайли”,
сатрларининг Шавкат Рахмон ижоди ўзак масаласига – Ватан мавзууга boglik жойи йўкми? Бор! Бор бўлганидаям тўгридан-тўгри bogланади. Ахир, Ватан сари факат очик кўз билан борилади! Ватанни факат кўзи очикларгина танийди! Чинакам ватанпарвар кўзини йирикрок очади, майлига очиклиги туфайли яشاши кийинрок бўлсин, майлига кўзлари камашсин ва ё огрисин...

Шавкат Рахмон ижодида бу фикрларимизга далиллар яна кўплаб топилади, лекин... мен нима килмокчи эдим ўзи? Шавкат aka хакидаги хотираларимни титкилаб, у кишини шахс сифатида, бир инсон сифатида кандай танишимни ёзмокчи эмасмидим?

Шавкат аканинг ilk китоби мени шеърга кандай шавклантирганини айтдим. “Яшамогим зарур хар дакикани, газаб билан, севги билан тўлдириб, дунёдаги барча кора нарсани ёруг лахзаларда ўлдириб. Токим бош кўтариб карай куёшга, токим кўзларимда ёнсин хакикат, токим тош мисоли тегмасин бошга мен яшай олмаган хар бир дакика”; “...кийнанг, ўз холига кўйманг юракни, яшамаслик учун юраксиз”; “Йикилмак, тўхтамак мумкинмас, каерга бўлса хам юрганим яхши”; “Йикилма, ўзингни ушлагин, отсинлар жаҳолат тошини, лабингни каттикрок тишлагин, кўрсатма кўзларинг ёшини”; “Бу сўзни бир умр айтмай яшадим, хар шодлик келганда юрдим секинрок. Гам сўзин элимдан аввалрок айтдим, баҳт сўзин айтаман элдан кейинрок”... каби яна кўп-кўп сатрлари кўнглимнинг кай бир бурчакларига ўрнашиб олиб, сира тинчлик бермаганларини соатлаб гапириб беришим, бунака мисолларни кетма-кет ўртага кўйишим мумкин. Лекин, карасам, бунинг учун шоирнинг хамма шеърини кариб бирбошдан кўчириб ёзишимга тўгри келаркан. Яхшиси, у шеърларни хар ким ўзи ўқисин, ўзи завклансин, хар ким ўзи учун Шавкат Рахмонни ўзи кашф этсин.

Мен вактида ўзимнинг шавкатрахмонимни кашф этганман ва бу яхши одамни, яхши

шоирни бир умрга севиб колганман. Менинг шавкатрахмоним кандай одам эди? Бир пайтлар илк китобчасини тўлигича ёдлаб ўкиб юрганларимда хали келажакда бу шеърларнинг эгаси билан танишишимни, танишиш не, ака-укадай бўлиб кетишими хәёлимга хам келтирганиман, албатта. Якинлашиб кетганимиздан кейин эса, бу ажойиб инсон билан минг йилдан бери кадрдон бўлиб келгандай эдим.

Шавкат Рахмон самимий киши эди. Камгап, босик, камтар... Лекин бу камгап, босик ва камтарлиги юрагидаги жасорат ва тўгрисўзликни тўсмасди, аксинча, бу макталган хислатлар ичда яшнаб ётган гўзал хислатларининг ташдаги бир ифодаси эди. Яъни, Шавкат ака ичи билан таши бир, ичи ташига, таши ичига терс иш килмайдиган БУТУН ОДАМлардан эди. Кўзларида, карашларида мунгни, товушидаги бир оз синикликни эътиқодга айланган маҳрам туйгуларини ўз замонида очик айта олмаганидан, ичга яширишга, пардалар билан ўрашга мажбур бўлганидан деб биламан.

Хатто мустамлакага, хаксизликларга, зулмга исёни хам сокин эди Шавкат Рахмоннинг. Ўзи таърифида (“Автопортрет” шеърида) шоир бундай дейди:

Энг бахтиёр лахзаларда хам

унинг сокин исёни сўнмас.

Тугилмаган шунчаки асло,

у хеч качон шунчаки ўлмас.

“Сокин исён”... Бу икки сўз аслида бир козонда кайнамайди – сокинлик исённи, исён сокинликни инкор этади. Хеч хам ковушмайди улар гўё. Лекин Шавкат акани шахсан таниган, якиндан билганлар бу икки терс холат унинг Шахсиятида нихоятда муносиб равиша ковушганини, бир-бири билан роса чикишганини кўради. Шоирнинг бу сокин исёни кайгули ёки газабга минилган онлардагина эмас, балки “энг бахтиёр лахзаларда хам” сўнмайди. Чунки унинг туйгулари юзада эмас.

Умуман олганда, юзакилик – хакни сўйлашда, Ватанинни севишда, инсонга меҳрда, тарихни тушунишда, хатто шеърий тимсолларида хам юзакилик Шавкат Рахмоннинг биринчи раками душманидир. Минбар шоири бўлмаганининг сабабларидан бирини шунда кўраман. Ўзи фитратан ўйчан, босик бўлгани учун унинг туйгулари ичга караб ўсган. Хатто исёнини хам сокинластирадиган даражада ич-ичга караб юксалган! Масалан, “Фикр” шеърида шоир ўзини тинчокар дарёга ўхшатади:

Дарёга айландим

ўйчан дарёга,

рухимда кадимги осойишталиқ.

Каъримга беркитдим долгаларимни,

рухимга бўйсунди дунё ишлари.

Дарё долгасиз бўладими?! Йўк, бўлмайди. Аммо Шавкат Рахмон шаркирок, енгилтак сой эмас, долгаларини каърига – чукурликларига беркитган босик-огир, ўйчан дарёдир.

Бўлмаса, феълида ўжар, фикрида, эътиқодида, харакатларида катъий киши у. “Рухида кадимги осойишталиқ”ни саклаган бундай ўйчан дарё бир долгаланмасин! Сокинлик багридаги долга агар юзага чикса нималар юз бериши хаётда кўп кўрилган.

Яна бир шеърида “Умрим кўчкilarдай жимжит, шиддатли” деган сатрларни ўкиймиз.

Шиддатини каърига яширган жимжит кўчки... Унинг шиддати жимжитлигига. Тўгрироги, жимжитлигининг туб-тубида шиддат яширин. Жимжитлик косасига сўнгги томчи томиб, бир кўчиб бермасин бу жимжит кўчки!

Булар хаммаси Шавкат акадир, Шавкат Рахмоннинг ич кимлиги ва кўнгил кўзгусидир.

Шавкат Рахмонни умрида кўрмаган киши шеърларидан унинг ички ва ташки суратини

осонгина чиза олади. Ишонинг, икки томчи сувдай бир хил чикади, гирт ўхшайди, куйиб кўйгандай ўзи бўлади! Мен Шавкат Рахмоннинг шахсиятини хам, шеъриятини хам шунинг учун яхши кўраман.

Бугунги кўз билан караганда хам, агар Шавкат ака тирик бўлганида, ижоди учун хеч ким олдида кизармаган бўларди. Болаларини хижолатга кўядиган шеърлар ёзмади у. Чунки у эътиқодида содик турди, замона зайлита юрмади. Тўгри, замонининг айрим эпкинлари таъсирида ёки яккахукрон мафкура тўсиклари боис айрим хакикатлардан кўплар катори у хам узилгани учун шеърларида бир оз фикрий тойилишлар сезилади. Лекин, биринчидан, ундан шеърлар ёки сатрлар жудаям оз; иккинчидан, ўшалар хам шеър сифатида ёмон эмас, мазмунида нимадир яхшиликлар бор; учинчидан, у замонни билган, у замонда яшаган одамлар холати хисобга олинса, сал-пал тушунарлидир. Энг муҳими – Шавкат Рахмон бир шахс ўларок хам, бир шоир ўларок хам ўзига катта йўлни танлашда адашмади, борар манзилни хам тўгри белгилади. Йўлдаги таассуротларда майда-чуйда камчиликлар бўлиши табиийдир.

Шавкат ака касалхонада экан, бир гал кўргани борганимизда, унинг тўзимида, руҳий тетиклигига койил колдим. Ичимдан ўтганини ўзим биламан: каршимдаги севимли кишим, севимли шоирим тузалмас дардга чалинган, кунлари, ойлари санокли колган эди, аммо у хеч нарса бўлмаётгандай, ўлим шарпаси сездирмасдан бошига якинлашиб келаётганини хис этмаётгандай эди. Жуда чиройли сухбат бўлди. Хаётдан, адабиётдан, тўгрилик ва эгриликлардан гаплашдик. Холбуки, у кунлар Шавкат ака оғир дарддан азоб чекиб, “Осмон тўла хаволар битта менга етмайди”, деб турган кунлар эди. Мен Шавкат аканинг матонатидан таъсиrlаниб, уни рухан янада тетикликка ундейдиган бир-икки фильм келтириб бердим кейинги сафар. Ундан кейинги келганимда эса, ўша фильмлар хакида сухбатлашдик. Фикр-мулохазалашдик.

Орада бирор хафтача тузалгандай бўлди. Оёкка турди. У пайтлар мен “Шарк юлдузи” журналида ишлардим. Бир куни туйкус таҳририятга келиб колди. Тўгри бизнинг хонамизга кирди. Оғир касалликдан кейин анча-мунча озган, бир оз паришон кўринар эди. Лекин мен Шавкат аканинг касалхонадан чикканини, ўз оёклари билан юриб келганини кўриб, хурсанд бўлиб кетдим. Бир шоир ўртоги билан бирга келибди.

“Катталарнинг олдига кириб кетди, мен сиз билан гаплашгим келди”, деди. Ва биз то у шоир акамиз катталарнинг олдидан чиккунича узок гаплашиб ўтиридик...

Ёшлигига ёзган бир шеърида “Менинг хар кадамим ўлимга карши” деб эълон килган Шавкат Рахмон (“ўлимга карши” исфодасини асл маъносида “ўлим сари” деб хам тушуниш мумкин. – Н.М.Р.), бир мўмин ўларок, ўлимнинг хак эканини биларди. Такдирга тан бермасдан иложи йўклигини хам биларди. Сухбатимиз руҳида шу нарса сезилди. Биз шу гал бошкacha хайрлашдик. Шавкат акани охирги кўрганим хам ўша бўлиб колди.

Ўлим мусибати одамларни бирлаштиради, унда бошка ходисаларда учрамайдиган шундай ноёб хусусият бор. Худди шунинг учун хам Шавкат ака “Ўлим бирлаштирас бегоналарни” деб бошланувчи бир шеърида:

“...Мана, бегоналар,
бепарволар йўк,
нихоят одамлар биродар – тенгдир.

Ўлимга боз эгдим
кўркканимданмас,
хурмат килганимдан бошимни эгдим”,
деб ёзган эди. У ўлимни эркакчасига карши олди. Чунки бу дунёга у шунчаки

келмаганидек, шунчаки хам яшаб ўтмаган эди. Хар ким катори у хам бир вазифа билан келди ва шу вазифасини маромига етказиб бажарди. Сўнгра вактинчага бизларни ташлаб, эрта бир кун хаммамиз хам борадиган маконга – бу дунёдаги хизматларининг мукофотини олишга кетди. Жисман ўлими эса биз мухлисларини маънавий шахси – шеърлари атрофида бирлаштириди.

Аммо мен сўзимни бу хазин оханглар билан тугатмокчи эмасман. Сўзнинг сўнгини Шавкат Раҳмоннинг ўзига бермокчиман. Ер билан сирлашиб ёзган бир шеъридаги умидбахш сатрлари шоир чиндан хам бу дунёда бекорга яшаб ўтмаганини билдиради бизларга:

Тобора якиндиндир

жасорат они –

мингта куёши бор гўзал дакика –
менга хам бир куни бўлур намоён
кўпга насиб бўлган буюк хақикат.

Мен севган дарёлар шундок колурми,
мени ўйлатган йўл колурми шундок?

Мен суянган тоглар шундок колурми,
шундок колармикан юракларда дог?

Ногахон

хаёлим ёришиб кетар,
эслаб келажакнинг улугларини.

Мен сочиб кетаман кўхна багрингга
ўлмас гояларнинг уругларини.

Нуруллоҳ Мухаммад Рауфхон

2011 йил

феврал - март.